

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИЖАРА ФАОЛИЯТИНИНГ МОҲИЯТИ

Бахадиров Алишер Комилович

УзБМА "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18765973>

Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий фаолияти бўйича узлуксиз шуғулланиши учун асосий фондлар билан таъминланиши зарур, бунга лизингга оид муомалалари ҳисоби ва аудитини самарали ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Шунга кўра, корхоналар ўз экспорт салоҳиятини янада оширишда молиявий ижарага олишни йўлга қўядилар, бу эса, хўжалик юритувчи субъектларда қўшимча бизнес юритишга ва даромадлилик даражасини оширишга хизмат қилади. Республикамизда лизинг бозорида 150 тага яқин лизингга берувчи фаол иштирокчилар мавжуд, улардан 30 таси тижорат банклари ҳисобланади. 2016-2021 йиллар оралиғида лизингга берувчи корхоналар сонинг ўсиши туфайли лизинг бозори мустақамланиб борди ва йирик лизингга берувчилар портфелининг ўсиши иқтисодий соҳаларни ривожланишига олиб келди. Шу боисдан, лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида замон талабига мувофиқ такомиллаштириш зарурати мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда яшил иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятларини тез суръатлар билан ривожлантириш, бир томондан замонавий ускуна ва технологияларни қўллашни, иккинчи томондан эса зарур бўлган молиявий ресурсларни излаб топишни талаб этади. Замонавий янги техника, ускуна ва технологиялар ишлаб чиқарувчилар, молиявий ресурсларга эга бўлган ва бу маблағларни самарали жойлаштириш мақсадларида фаолият юритувчилар, ҳамда, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти соҳиблари ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишида ижаранинг ўрни беқиёс бўлиб ҳисобланади. Сабаби, кичик бизнес ва тадбиркорлик асосий фаолияти бўйича шуғулланиши учун асосий воситалар билан таъминланиши муаммо бўлиб ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушб корхоналар экспорт фаолиятини янада оширишда молиявий ижарага олишни йўлга қўядилар, ҳамда катта харажатларни ўзининг асосий бизнесига қаратиш имконига эга бўлади.

Республикамизда лизинг бозорида 150 тага яқин фаол иштирокчилар мавжуд, шу жумладан 30та тижорат банклари ҳисобланади. 2019 йилга нисбатан лизинг берувчилар сони 27,6% га ошди. Шу билан бирга, 2016-2019 йилда лизинг берувчи корхоналари сони ўсиши туфайли лизинг бозори мустақамланди ва йирик лизинг берувчилар ўсиши иқтисодий соҳаларни ривожланишига олиб келди. Ушбу иқтисодий соҳаларидан асосийлари қишлоқ хўжалиги техникалари, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ускуналари ва қурилиш техникалари учун лизинг бериш жуда оммалашиб бормоқда.

Лизинг бозори иштирокчилари ўртасида лизинг битимларининг ҳажми

Йиллар	Лизинг корхоналари		Банклар		Жами
	мулк	улуши %	мулк қиймати.	улуши %	
2019	630,8	64,8%	342,3	35,2%	973,1

2020	963,8	62,0%	589,8	38,0%	1 553,6
2021	1 912,2	72,6%	722,2	27,4%	2 634,4
2022	2 539,4	90,8%	256,6	9,2%	2 795,9
2023	1 035,2	88,8%	131,0	11,2%	1 166,2

Ушбу жадвалдан кўришиб туриптику, 2023 йилда лизинг битимларининг ҳажми тижорат банклари ва лизинг корхоналари ўртасидаги улушлари таҳлил қилинган вақтда, йиллар ўтган сари лизинг корхоналари лизинг шартномаларини тижорат банкларига қараганда анча юқори даражада эгаллаб турмоқда. Лизинг бозорининг ўзаро тақсимлаш тенденцияси лизинг берувчилар бир хил даражада қолди - бозорнинг 89% лизинг корхоналарга тегишли. Тижорат банклари эса, натижалари билан таққослаганда 2023 йилда тақдим этилаётган лизинг хизматлари ҳажми бирмунча ошди ва уларнинг бозордаги улуши 11% ни ташкил этди.

Жаҳон илмий-технологик тараққиёти даврида иқтисодий ўсишга таъсир этган фаол омил бу - саноат тармоқларини лизинг асосида техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланишидир.

Янги Ўзбекистон тараққиётида лизинг муомалалари муҳим аҳамият касб этади. ҳозирги вақтда Хўжалик юритувчи субъектларда лизинг муомалаларини кенг йўлга қўйилиши республикада лизинг бозорини изчил ривожлантиради ва ўсиш тенденциясига кўмаклашади.

Шунга асосан, яшил иқтисодиёт шароитида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунга келиб кўпгина лизинг корхоналари йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган ва 2021 йилдан йирик лизинг ташкилотлари молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритиши ўз ишини бошланган.